


Муаллиф:

26.05.2023 19:06 - Янгиланди 27.05.2023 19:34

---



Инкилобгача бўлган рус адабиётларда Ўрта Осиёда (инкилобдан олдинги Туркистон ўлкаси) сартлар каби халқнинг мавжудлиги хақида тез-тез маълумот топишингиз мумкин. Бирок, ҳозирги кунда бу минтака давлатларининг ҳеч бирида (Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, Киргизистон, Козогистон) «сартлар» хақида ҳеч нарса эшитмайсиз. Улар ким эди? Қаёққа йўқ бўлишди? Россиянинг узок ҳудудлари аҳолиси сартлар хақида Тошкент шаҳри ва машҳур Фарғона водийсини ўз ичига олган Кўкон хонлиги Россия империясига кўшиб олинганидан кейин билиб олдилар. Аввалига уларни тожиклар деб ҳисоблашган. Аммо вақт ўтиши билан маҳаллий аҳоли тожиклар ва сартларни фарқлаши аниқ бўлиб қолди. Батафсил тадқиқот тожиклар билан ташки қўриниши, иқтисоди ва маданияти жиҳатдан кучли ўхшашлигига қарамай, сартлар туркий тил – «сарт тили»да сўзлашганлиги маълум бўлди. Уларнинг тили чигатой тилига ва кўчманчи ўзбеклар тилига жуда ўхшаш эди. Шунинг учун улар алоҳида халқ деб ҳисобланган.

Сартларни ўрганишда Козон диний академияси битирувчиси, кейинчалик таникли рус шарқшуноси, этнограф ва тарихчиси Николай Петрович Остроумов (1846-1930) катта роль ўйнаган. 1877 йилда Тошкентга Туркистон ўлкаси давлат мактаблари тафтишчиси лавозимига тайинланган, 1879 йилдан Туркистон ўқитувчилар семинарияси директори, 1883 йилдан эса Тошкент эркаклар гимназияси директори лавозимларида ишлаган.

Сартларни ўрганар экан, Остроумов «сартлар» Ўрта Осиёнинг ўтроқ аҳолисига нисбатан уларни кўчманчилардан ажратиш учун қўлланилган қадимий номдир, деган фикрга келди. Этнографик жиҳатдан сартлар тожикларга жуда ўхшаш бўлган, лекин улар тожиклардан фарқли ўларок, форс тилида емас, балки туркий тилда сўзлашган. Ташки қўриниши жиҳатидан улар тожиклар ва кўчманчи турклар ўртасида ўтиш типига эга бўлган.

Остроумов сартларни эронликлардан ҳам, туркийлардан ҳам фарқ қиладиган, келиб чиқиши аралаш халқ сифатида тақдим этишга ҳар томонлама ҳаракат қилган. Эҳтимол, унинг бу интилишлари нафакат этнографик, балки сиёсий ҳам эди. Бу борада у ўз устози - Козон диний академияси профессори Николай Иванович Илминский (1822-1891) фикрига амал қилган.

Муаллиф:

26.05.2023 19:06 - Янгиланди 27.05.2023 19:34

---

Илминский кенг исломий-татар жамоасини шакллантириш Поволжье минтақасининг рус бўлмаган аҳолисини интеграциялашуви ёки хатто ассимиляция қилиш учун жиддий тўсиқдир, деган нуктаи назарни шакллантирди. Ислом-татар жамоасининг шаклланишига қарши туриш учун турли хил маҳаллий идентификаторларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг туркий бўлмаган ва исломий бўлмаган элементларини таъкидлаш таклиф қилинди.

Шу сабабли лугатларда, этнографик нашрларда, Россия империясининг тадқиқотлари ва расмий ҳужжатларида "сарт" тушунчаси ҳамма жойда учрайди. Лекин бу ёндашув ҳам ўз рақибларига эга бўлган. Улар орасида козогистонлик тадқиқотчи, Самарканд вилояти харбий губернатори учун таржимон бўлиб ишлаган Серали Лапин (1869-1919) бор эди.

Жумладан, Лапин "сарт" сўзини ҳеч қачон маҳаллий аҳоли махсус миллат маъносида ишлатмаганлигини таъкидлаган. Унинг фикрича, туркий тилда сўзлашувчи ўзбек-тожик аралаш аҳоли ўзига алоҳида ном қўймаган ва ўзини факат тожиклар ва ўзбеклардан фарқлаш учун сартлар деб атаган.

Лапин халқ тилида «сарт» муқим аҳолининг барчасини, жумладан, тожиклар ва «ўзбек-тожик аралашмаси»ни аташни қайд этган. У «сарт» сўзининг нотўғри ишлатилганлиги ва этнографик лугатдан олиб ташланиши кераклигини таъкидлаган. Чунки сарт халқининг ўзи йўқ ва алоҳида бир сарт тили ҳам йўқ.

Ўрта Осиё аҳолисининг алоҳида гуруҳи сифатида сартлар 1917 йилда Россия империяси ҳалокатига қадар ҳисобга олинган. Бирок рус олимлари ва амалдорлари томонидан сартлар муаммоси узил-кесил халқ қилинмаган. Статистик маълумотларга кўра, 20-аср бошларига қелиб сартлар Туркистон ўлкасидаги бутун муқим аҳолининг 2/3 қисмини ташкил этган. Ҳаммаси бўлиб 1897 йилда Россия империясининг биринчи умумий рўйхатга олиш натижаларига кўра 968,655 сартлар (козоклар, татарлар ва бошқирдлардан кейин, туркий халқлар орасида 4-ўринда) бўлган.

Совет даврида (1924 йилдан кейин) этнографлар сартларни алоҳида этник гуруҳ сифатида ажратмай қўйган. Сартлар асосан ўзбеклар этник гуруҳига қўшилган бўлиб, ҳозирда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Абу Муслим таржимаси